



МУРУНТОВ ОЛТИН КОНИНИНГ КАШФ ҚИЛИНИШИ ВА ҚАЗИБ ОЛИНИШИ

Миракбаров Мирҳомид Мирхайдар ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ

Тарих факультети мустақил изланувчиси

mirhomid1@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0004-0059-8257>

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18975489>

XX асрнинг иккинчи ярмида олиб борилган геологик тадқиқотлар натижасида мамлакатимиз ҳудудидан табиий бойликларнинг янги захиралари аниқланиб халқ хўжалигига йўналтирила бошланди. Натижада минерал хомашё ва уни қайта ишлашдан олинадиган минерал маҳсулотларни истеъмол қилишдаги кескин ўзгаришлар техника ва фаннинг улкан ютуқларига сабаб бўлди. XX асрнинг 50-йилларида кимё саноатининг ривожланиши ушбу хом ашёлардан янада кўпроқ ва самарали фойдаланишга сабаб бўлди¹. Бу эса табиий бойликларга ўзбек олтиниغا бўлган эҳтиёжнинг ортишига ва мамлакатимизда тоғ-кон саноатининг ривожланишига олиб келди².

Калит сўзлар: кон-металлургия, Мурунтов кони, табиий бойликлар, рангли металлар, Олтинтов, Кўкпатос, Қасқиртов, Карамкен, Многовершинное, Кочкар конлари.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг саноатни ривожлантириш борасидаги КПССнинг қарорларидан келиб чиқиб, геолог олимларга бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Бешинчи беш йиллик режа лойиҳаси геология-қидирув ишлари ҳажмини ва энг муҳим рудали фойдали қазилмалар захираларини оширишни назарда тутди. Мамлакатнинг барча минтақаларида илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда геологик қидирув ишларини йўлга қўйиш, янги кон захираларини аниқлаш ва ишга тушириш барча геологларга вазифа сифатида юклатилди. Бунда соҳанинг мутахассис кадрларига, илмий-тадқиқот институтларига, тегишли вазирлик ва идораларнинг геология соҳасида ишловчилар ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорликда геологик қидирув ишларини амалга ошириши таъкидланди³.

XX асрнинг 50- йилларида мамлакатда саноатининг ривожланиши ва ер ости бойликларини ўзлаштириш суръатларининг зарурати сабабли,

¹ Абдуллаев Х.М. Богатства недр Узбекистана на службе социализма. – Ташкент. 1949. – С.7.

² Бахтиёрзода О.Б. Страницы истории геологии Узбекистана XX века. Монография. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2017. С.112

³ Богомолов Г.В. Советская геология. Сборник. – Москва. 1953. – С.5.





геологик қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида минерал хом ашёларнинг аниқлашга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Геологик тадқиқотлар минерал хом ашёларнинг минтақавий жойлашувига қараб амалга оширилди⁴.

Ўзбекистоннинг геологик тузилиши ва ер ости бойликларининг мавжудлиги, фойдали қазилмаларнинг ҳудудий тақсимланиши геолог олимларни қизиқтирди ҳамда ўрганилди. Ўзбекистон ҳудуди геологик тарихида ўзига хос мураккаблиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб турадиган геологик жараёнларни бошдан кечирган ва шу сабабли унинг ер ости бойликлари минераллар ҳамда рудаларга жуда бой эканлиги аниқланган⁵.

Юртимизда табиий бойликлар, рангли металллар, айниқса, олтин конларини ўрганиш, аниқлаш бўйича совет иттифоқи томонидан геолог олимлардан иборат экспедиция гуруҳлари ташкил этилган. Жумладан, 1931-1932 йилларда Россия Фанлар академиясининг Қизилқум экспедицияси ташкил этилган бўлиб, ушбу экспедицияга А.Ф.Соседко, Л.Л.Шилин, Л.А.Кравченко каби геолог олимлар жалб қилинган. 1934-1939 йилларда эса ушбу экспедицияга Л.А.Осипов, Н.П.Петров, В.А.Захаревичларни ҳам бириктирилган. Ушбу геолог олимларнинг изланишлари натижасида Марказий Қизилқум ҳудудларида олтин минерализациясининг янги нуқталари аниқланади. Шунингдек, ўрганилган тадқиқотлар натижаларига кўра, геолог олим А.Ф.Соседко 1938 йилда Марказий Қизилқумда кенг кўламли олтин қидирув ишларини олиб боришни тавсия қилди⁶.

1940 йил декабр ойида табиий бойликлар, айниқса, олтин конлари аниқлаш қазиб олишга бағишланган биринчи Марказий Осиё геология конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда Россия Фанлар академиясининг геолог олими А.В.Королев Уралдан Тянь-Шангача чўзилган ҳудудларда жойлашган олтин конларини алоҳида қайд этиб, минтақанинг истиқболларини таъкидлади. Конференцияда истиқболли ҳудудларда, жумладан, Қизилқумда олтин қидирув ишларини бошлашга қарор қилинди. Лекин, 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши олтин қидирув ишларини тўхтатиб қўйди. Бунга ҳудуднинг олис ва бориш қийинлиги, шунингдек, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги сабаб

⁴ Серпухов В.И. Закономерности распределения эндогенных месторождений в подвижных зонах земной коры и некоторые общие вопросы эндогенного рудообразования. Советская геология. Сборник. – Москва. 1953. – С.4.

⁵ Абдуллаев Х.М. Богатства недр Узбекистана на службе социализма. – Ташкент. 1949. – С.11.

⁶ Шаякубов Т.Ш. Золоторудное месторождение Мурунтау. – Ташкент. Фан. 1998. – С.6.





бўлди. Урушдан кейинги даврда, яъни 50-йилларнинг бошидан бошлаб, Ўзбекистон геология хизмати раҳбарлари Х.М.Абдуллаев, Х.Т.Туляганов, В.Г.Гарьковец ва бошқалар томонидан республика ҳудудида кенг қамровли тадқиқот ишлари йўлга қўйилди⁷.

Геологик тадқиқотлар натижасида мамлакатимизда табиий ресурслар, айниқса жуда катта олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо ҳамда ер бағрида кам учрайдиган металллар захиралари мавжудлиги аниқланди. Олтиннинг асосий захиралари республиканинг асосан Марказий Қизилқум, Зарафшон, Бойсун ҳудудларида жойлашган бўлиб, улардан энг каттаси Мурунгов олтин кони ҳисобланади⁸. Мурунгов олтин конлари тасдиқланган захиралари бўйича дунёда етакчи ўринларга эга ҳисобланади⁹.

Мурунгов кони дунёдаги гигант конлар жумласига киради. У Евроосиё қитъасидаги руда таркибида олтин юқори даражада бўлган энг йирик конлардан биридир. Мурунгов конининг топилиши халқаро геология жамоатчилиги томонидан йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида олтин соҳасида қилинган энг катта кашфиёт деб эътироф этилди. Мурунгов кони - жуда катта олтин захирасига эга бўлиб, ундан ҳар йили миллионлаб куб метр кон тупроғи қазиб олинади. Ундан дунёдаги энг сифатли олтин олинади. Бу ердан қазиб олинadиган олтиннинг софлик даражаси “тўртта тўққиз” га тенг ҳисобланади. Бу кейинги йилларда Ўзбекистонга кўплаб халқаро совринлар келтирди¹⁰.

Мурунгов олтин кони - Ўзбекистоннинг Навоий вилоятидаги Нурота тоғлари этагида жойлашган, дунёдаги энг йирик очик усулда қазиб олинadиган олтин конларидан биридир. Ушбу коннинг кашф этилиши нафақат Ўзбекистон иқтисодиёти учун, балки жаҳон олтин саноати учун ҳам тарихий аҳамиятга эга ҳисобланади.

XX асрнинг 50-йилларига келиб кон-металлургия соҳасининг жадал ривожланиши Ўзбекистонда йирик конларнинг очилишига олиб келди. 1951-1953 йилларда Мурунгов олтин кони геолог олим И.Ҳ.Хамробоевнинг Ўзбекистоннинг ғарбий ҳудудида олтинни кўпинча марги-муш билан узвий

⁷ Шаякубов Т.Ш. Золоторудное месторождение Мурунтау. – Ташкент. Фан. 1998. – С.6.

⁸ Козловский Е.А. Геология СССР. – Москва. Недра, 1983. – С. 113.

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент. Фан, 1997. – Б. 237.

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент. Фан, 1997. –Б. 239.





боғлиқ ҳолда учраши борасидаги фикрлари асосида аниқланишига сабаб бўлди¹¹.

1956 йилнинг октябрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1956-1960-йилларни ўз ичига олган олтинчи беш йилликда Ўзбекистон ССР да геологик тадқиқотларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда КПСС XX-съездида белгилаган вазифаларни бажариш биринчи навбатда, қора ва рангли металлургия, кўмир ва нефть саноати, энергетика, машинасозлик, кимё маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришни бундан кейин ҳам таъминлаш зарурлиги таъкидланди¹².

Шунингдек, Қизилқумнинг геологик ўзлаштирилиши учун катта маблағ ажратилди, конлар аниқлаш, қидириш ишларига юқори малакали мутахассислар жалб қилинди. 1956-1957 йилларда Тамдитоғ тоғларининг жануби-шарқида Ю.Н.Мордвинцев, П.В.Храмишкин, С.И.Лукьянов каби геолог олимлар кенг кўламли геофизика ва геохимия усуллари қўллаган ҳолда қидирув ишлари олиб борди. Натижада, олтиннинг юқори миқдорига эга бўлган бир қатор руда нуқталари аниқланди, геохимиявий усулларда олтин ва мышьякнинг кенг тарқалганлиги аниқланди. Кейинчалик, Мурунгов, Мютенбой, Триада ва Беспапанов конларини батафсил ўрганилиши натижасида, ушбу конлар кўплаб олтин захираларига эга эканлиги аниқланди¹³.

Шунингдек, 1958-йилда Самарқанд экспедициясининг Қизилқум партияси геологлари Ю.Н. Мордвинцев ва П. Храмышкин ўз кўлами бўйича ноёб бўлган Мурунгов олтин конини аниқлади ва конда қазиб олиш ишлари йўлга қўйилди. Натижада қазиб олинган олтин зарраларини ажратиш олиш мақсадида шу йилнинг ўзида Навоий кон-металлургия комбинатига асос солинди ва узоқ вақт давомида у дунёдаги олтин ишлаб чиқариш ҳажми бўйича етакчи корхоналардан бирига айланди¹⁴.

Бундан ташқари, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, “Иргиредмет” институти Ўзбекистонда олтин қазиб олиш саноатининг шаклланишида иштирок этди. Институт геологлари томонидан Ўзбекистоннинг Мурунгов,

¹¹ Ҳамрабаев И. Кўз илғамас хазиналар. Тошкент, Ўзбекистон ССР “ФАН” нашриёти, 1990 йил. Б.5.

¹² Резолюция XX съезда КПСС, 24 февраля 1956 г. По отчетному докладу Центрального Комитета КПСС. – Москва. 1956. – С. 276.

¹³ Шаякубов Т.Ш. Золоторудное месторождение Мурунтау. – Ташкент. Фан. 1998. – С.6.

¹⁴ Клименко А.И. Карьеру мурунтау-30 лет./Теория и практика разработки месторождения Мурунтау открытым способом. – Ташкент. Фан. 1997. – С.13.





Чармитан, Маржонбулоқ, Кўкпатос ва бошқа конларидаги рудалар ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, уларни қайта ишлаш технологиялари тавсия этилди. Шунингдек, Олтинтов, Кўкпатос, Қасқиртов кон майдонларининг хариталари тузилди. Бу ҳудудларда олтин захиралари кўплиги аниқланди¹⁵. Бу эса республикада кон-металлургия саноатини ривожланишига сабаб бўлди.

Шунингдек, Навоий кон-металлургия комбинатидаги олтин ажратиш олишда технологияларни ўзлаштириш ва тажриба синовидан ўтказишда ушбу институт билан ҳамкорлик асосида олиб борилди. Тажриба синовидан ўтказилган технологиялардан Совет Иттифоқидаги бир нечта Нижнекуранах, Матросов номидаги, Совет ва бошқа фабрикаларда ва бир қатор конларда масалан, Карамкен, Многовершинное, Кочкар ва бошқаларда янги олтин қазиб олиш корхоналарини қуриш учун муваффақиятли қўлланилди¹⁶.

Ушбу технологиялар асосида 1958 йилда Марказий Қизилқумда геологик қидирув ишлари олиб борилиши натижасида ер ости бойликларини саноат миқёсида ўзлаштириш бошланди. Бу ҳудуд энергия, сув, йўллар ва инсон ресурслари манбалари йўқлиги, иқлим шароитининг оғирлиги билан ажралиб туради. Лекин шундай бўлсада ушбу ҳудудда олтин, уран таркибли рудалар, мрамор, гранит, қурилиш материалларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, шунингдек, олтингугурт кислотаси ҳамда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган¹⁷. Янги технологиялар асосида кон қидирув ишлари самарадорлигига эришилди.

“Мурунгов” олтин кони ишга туширилган вақтдан бошлаб, тоғ-кон ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва харажатларни камайтиришга қаратилган бир қатор муҳим техник янгиликлар амалга оширилди. Масалан, 1984 йилда Циклик-оқим технологияси (ЦОТ) жорий қилинди. Юк кўтариш қобилияти 27 тонна бўлган самосваллардан босқичма-босқич 40, 75, 130, 180, 220 тоннали самосвалларга ўтилди. Бунга мос равишда, экскаваторларнинг ковш ҳажми ҳам 4 ва 8 м³ дан 10, 12, 15 ва

¹⁵ Мойлиев М. Марказий Буқантов олтин маъданларининг моддий таркиби жойлашув хусусиятлари ва қидирув белгилари. Геология-минерология фанлари бўйича тайёрланган диссертация. – Тошкент. 2022. – Б.15.

¹⁶ Санакулов К.С. Сотрудничество института “Иргиредмед” и Навоийского горно-металлургического комбината. // Горный журнал. 2018.№9. – С.19.

¹⁷ Санакулов К.С. Навоийский горно-металлургический комбинат – лидер горнодобывающей отрасли Узбекистан. // Горный журнал. 2018.№9. – С.5.





20 м³ гача оширилди¹⁸. Тенхнологиялардаги бу ўзгаришлар меҳнат самарадорлигини ошишига сабаб бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг. В кн: Английские путешественники в Московском государстве. -Л., 1937; 307 стр.
2. Ёрматов И. Саодат водийси.-Т.: Наврўз; 2012. -279 бет.
3. Касимов М.Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. -Т.: Фан; 1972.-123 стр.
3. Коновалов О.А. Узбекская ССР. Полезные ископаемые. Том ХХИИИ. -М.: Недра; 1983. -230 стр.
4. Крахмаль К.А., Рўзматов Ш.А. Юлдошев А.С. Илоқда ўрта асрлардаги кончилик ва металлургия тарихига оид янги маълумотлар // Марказий Осиёда кон-металлургия тарихи.-Навоий., 2007. -Б.252.
5. Рузанов В.Д. Древняя металлургия Таджикистана // История и перспективы развития горнорудной промышленности Средней Азии.-Худжанд. 1994.-56 стр.
6. И-1-фонд Туркистон генерал-губернаторлиги фонди.
7. Р-48-фонд БХСР халқ нозирлар шўроси.
8. И-3 - фонд, 2- рўйхат; 1- хужжат, 12-12а варақлар.
9. И-41 - фонд, 2-рўйхат; 16 - хужжат, 12-варақ.

¹⁸ Йулдошев У.У. Открыто подземное вскрытие глубоких горизонтов карьера “Мурунтау”.// Горный журнал. 2018. № 9. – С. 33.

